Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

1995 йил 4 октябрь. Чоршанба. № 38 (14290) ترکستان * TURKİSTAN Сотувда эркин нархда





## ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАР МАСКАНИ

Мамлакатимиз аҳли ва умуман, жаҳон зиёлилари давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1995 йил 19 апрелда чиққан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Зотан, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ фуқаролар осойишталигию сиёсий барқарорликка эришган Ўзбекистонимизда миллий давлатчилик қайта тикланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараён, қолаверса, мамлакатда кечаётган ислоҳотлар ҳам, ўз навбатида, бошқарув тизимини такомиллаштириш, раҳбарлик бўғини ишларини фаоллаштириш, раҳбар ходимлар тайёрлашни тубдан яхшилашни тақозо этди.

3 октябрь куни ана шу янги Академиянинг тантанали очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Давлат герби ва байроғи билан безатилган залга республика жамоатчилик вакиллари, академия профессор — ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари тўпланди.

Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси — Академия ректори А. Азизхўжаев тантанали маросимни очиқ деб эълон қилди. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Маросимда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг парламент ассамблеяси вице-президенти, Бундестаг депутати Вилли Виммер сўз олиб, мазкур илм даргоҳининг очилиши муносабати билан ГФР федерал канцлери Гелмут Кол жанобларининг Президент Ислом Каримовга ва Академия аҳлига табригини етказди. «Америкэн Интернэшнл груп» компаниясининг бошқаруви директори Питер Йу эса Ўзбекистонга хорижий ҳамкорларнинг ишонч ва эътибори ортиб бораётгани хусусида сўзлаб, Марказий Осиёнинг юраги бўлмиш Тошкентда нуфузли маърифат масканининг иш бошлаши бу мамлакат обрўсига янада обрў қўшажагини айтди.

Профессор — ўқитувчилар номидан сўзга чиққан Академия Проректори, профессор Нажмиддин Комилов ва Академиянинг илк тингловчилари вакили Бори Алихонов ушбу илм даргоҳи республика ҳукумати, хусусан, юртбошимиз Ислом Каримов маърифатпарварлик жабҳасида амалга ошираётган ишларининг самараси эканини эътироф этиб, кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорликларини изҳор қилдилар.

Маросим сўнггида Президент Ислом Каримов Академия биносини кўздан кечирди. Илм масканининг илк тингловчилари билан суҳбатлашди.

Маросимда Олий мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир А.Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашдилар.

(ЎзА).

## МАКТАБДА ТЎЙ

70 йиллик тарих... Бир илм маскани учун бу, албатта, катта давр эмас. Аммо шу давр ичида у ўзини оқлай олиши катта ютуқдир. Қибрай туманидаги 16-ўрта мактаб жамоаси яқиндагина ташвишу-қувончларга, машаққату-шарафларга тўла шу санани нишонлади.( Мактаб ўқувчилари томонидан ташкил этилган «Дўстлик боғи»ни меҳмонлар, собиқ ўқувчи ва ўқитувчилар тўлдиришди. Бу ерда таълим олган собиқ ўқувчилар бугунги кунда республикамизнинг гуллаб-яшнаши учун турли соҳаларда жонбозлик кўрсатаётганликларининг гувоҳи бўламиз.

Тантана узоқ вақт давом этди. Бу шодиёна билан мактаб жамоасини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов ва бошқалар самимий табриклаб, эсдалик совғалар топширдилар.

*ОБУНА—96*

## ХОНАДОНИНГИЗ ЗИЁСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Куни кеча «Туркистон» газетаси таҳририятида ва сўнгроқ Ўзбекистон давлат матбуот қўмитасида Тошкентда чоп этиладиган нашрлар муҳаррирлари иштирокида 1996 йил обунасини ташкил қилиш, 1995 йил ва ундан олдинги йилларда йўл қўйилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан атрофлича кенгашиб олинди.

Айтилганлардан шу нарса маълум бўлдики, барча нашрлар обунага ҳар вақтдагидан пухта ҳозирлик кўрганлар. Мақсад — сонни унутмаган ҳолда сифат учун курашиш, газета мазмунини янада бойитиш, қимматроқ нархда сотилса-да, халқ суюб ўқийдиган нашрларга айланиш.

Шу ўринда 1996 йилги обуна катологи ишлаб чиқилишида муштарийлар манфаати кўпроқ ҳисобга олинганини, шунинг учун ҳам обуна нархини белгилашда ташкилотлар ва якка тартибдаги обуначилар учун алоҳида -алоҳида нарх жорий қилинганини, бу кўпроқ обуначиларни жалб қилиш имконини беришни қайд этиш лозим.

Шундай қилиб, келгуси йил учун обуна тадориги ниҳоясига етди. Обуна бошланди! У қандай ўтади, буни биз яқин кунларда билиб оламиз ва бу ҳақда имкон даражасида сизларни хабардор қилиб борамиз. Наинки, газета ва журналлар сиз, азиз муштарийлар учун чоп этилади, сизларнинг манфаатингиз хизматида бўлади. Зеро ҳар ким қайси нашрга обуна бўлишни ана шу манфаат нуқтаи назаридан келиб чиқиб белгилайди. Ҳар киши ўз одати — эрта туриши ёки кеч ётишига қараб чироқдан фойдалангани каби қайси нашрга обуна бўлиш ҳам унинг ўз ихтиёридадир.

Истардикки, ҳеч кимнинг хонадони чироқсиз қолмасин, ана шу чироқ ёруғида бир-биримизнинг кўзларимизга тик қараб, ўзаро лутфли бўлишимизни Аллоҳ барчамизга насиб айласин.

**З. РИХСИЕВ,**
**«Туркистон» газетаси масъул котиби.**

## «ТУРКИСТОН»НИ КИМ СЕВСА, «ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛАДИ!

### ОБУНА НАРХИ

**Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда:**

- **Якка тартибдаги обуначилар учун:**

Нашр индекси — 64607
6 ойга — 424 сўм 80 тийин
12 ойга — 849 сўм 60 тийин

- **Ташкилотлар учун:**

Нашр индекси — 64633
6 ойга — 528 сўм 90 тийин
12 ойга — 1057 сўм 80 тийин

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА**

- **Якка тартибдаги обуначилар учун:**

6 ойга — 380 сўм
12 ойга — 720 сўм

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:
6 ойга — 324 сўм
12 ойга — 648 сўм

- **Ташкилотлар учун:**

6 ойга — 530 сўм
12 ойга — 1058 сўм

**Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:**
6 ойга — 474 сўм
12 ойга — 948 сўм

Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳрига қараганда бирмунча қимматроқ бўлганлиги туфайли (ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида кўрсатилган.

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

## ҲАШАРЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Талабалар қўмаги пахтакорлар учун катта куч эканлигини инкор этолмаймиз.

Самарқанд тиббиёт институти талабалари бу йил Паст Дарғом туманидаги «Хончорбоғ» жамоаси хўжалигида пахта теришмоқда, Шуниси қизиқки, бу хўжаликда институт талабалари охирги бор 1969 йилда бўлишган экан.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Самарқанд вилоят қўмитаси талаблар ҳузурида тез-тез бўлиб туришибди. Бу учун махсус тарғибот-ташвиқот гуруҳи тузилган. Гуруҳ аъзолари ичида шоирлар, фахрийлар, ҳаваскорлик дастаси бор. Улар талабалар ҳузурида бўлиб, мусиқали кеча ташкил этишади, мушоирага чорлашади... айниқса, ҳашарчиларга «Азия Плюс» эстрада дастаси жуда-жуда манзур бўлди.

Тарғибот-ташвиқот гуруҳи вилоятдаги олтита туманда) бўлишни режалаштирган. Сабаби, ўша туманларда талабалар пахта теришмоқда.

— Биз фақат талабаларга хизмат кўрсатамиз, — деди Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг котиби Комил Муродов.

**(Ўз мухбиримиздан).**

*Мустақиллик берган бахт*

## АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

### Ўн беш ёшли Раъно Маликова тиббиёт институти талабаси бўлди.

***Бу хабар Самарқандда тез тарқалди. Биров ишонди, биров йўқ. Бизда қобилиятга тан беришга ҳалиям иккиланиш бор. Яхшики, Раъно Маликованинг ота-онаси унинг қобилиятини пайқашган, баъзи кишиларнинг қаршилигига ҳам қарамасдан ҳужжатларини институтга топширишган. Натижа: энг юқори балл билан уни қабул қилишди.***

***Аввалига бу нозик-ниҳол қизгинанинг институт талабаси эканлигига ишониш қийинроқ бўлди. Барибир унинг фикрларидан мактаб ўқувчисининг «ҳиди» келиб турарди.***

**— Раъно, болалик билан мунча тез хайрлашдинг? Институтда ўқиш барибир қийин-ку. Айниқса, тиббиёт соҳасида.**

— Шунақа деманг-да, тезроқ духтир бўлгим келди. Онамни бир марта бетоб бўлганлигини кўриб, шундай хулосага келгандим.

**— Мактаб билан институт ўртасидаги фарқни сездингми?**

— Мактабда ҳар хил фанлар... Бу ерда билим ҳам, фанлар ҳам бир томонга йўналтирилган. Кейин, яна билдимки... мактабдаги билим бу ерда камлик қилар экан. Айниқса, химия, биология дегандай.

**— Курсдошларингни кўрганда улардан анча кичиклигингни сезиб турасанми?**

— Ҳар доим ҳам сезмайман. Баъзида сезганим — курсдош қизларимиз истаганча бўянишади. Мен ундай қилолмайман. Ёшимга тўғри келмайди. Кейин... улар мени авайлашадими-ей... Кичкина дейишса керак-да.

**— Биринчи бор оқ халатни эгнингга кияётганда нималарни ўйладинг?**

— Оқ ранг ёруғлик рамзи эканлигини. Кейин ўзимга ўзим сўз бердим: токи оқ халат кийиб духтир деган номга эга бўлар эканман, беморларни, одамларни тушунишга ҳаракат қиламан.

**— Сен атрофдагиларни ҳар доим ҳам тушуна оламан, деб ўйлайсанми?**

— Йўқ, ҳар доим ҳам эмас. Одамлар ҳар хил характерли бўлади, ҳаммада ҳам маълум маънода камчилик бор.

**— Сен ўзингнинг характерингни биласанми?**

— Бирор нарсадан хафа бўлсам, пианина чаламан. Жуда хафа бўлсам... музикадан кейин ухлайман. Кейин эса... ҳамма нарсани унутиб ўрнимдан тураман. Менинг бу кайфиятимни уйдагилар ҳам билишади. Айниқса онам музика чалаётганимни кўрса, хавотирланиб қош-қовоғимга қараб қўяди.

**— Нимани ёқтирасан?**

— Ёқтирадиган нарсаларим кўп: ширинликлар пиширишни, хамир овқат тайёрлашни, сомса, патир ёпишни яхши кўраман. Онам ёшлигимдан уй юмушларини бажаришимни талаб қиларди. Ўша пайтлари ёқтирмаган бўлсам-да, ҳозир онамнинг ўша қаттиққўлликларидан миннатдорман.

**— Уйдагилар ҳам роса хурсанд бўлишган бўлса керак-а?**

— Албатта, кайфиятим яхшилигидан бўйим ҳам анча ўсиб қолгандай. Онамнинг бўйига тенглашиб қолдим.

**— Ўқишга киролмай қолганингда нима бўларди? Тушкунликка тушармидинг?**

— Йўқ, мен математика-физика фанларини чуқур ўргатадиган лицейда ўқирдим. Ўша жойда ўқишни давом эттирардим. Кейин эса... ҳамма нарсага оддий қарашга ўрганганман. Тушкунликка тушишдан ҳеч бир наф йўқлигини дадам билан онам онгимга сингдирганлар.

Раъно Маликовага ўхшаганлар Самарқанд институтларида яна топилади. Боланинг қобилиятига тан бериш, уни қўллаб-қувватлашликнинг исботи бу. Яна бир нарсани айтишни жуда-жуда истардим. Ахир бу мустақиллик берган бахтку. Илгариларчи, яхшиси эсламай қўяқолайлик.

**Гулчеҳра АЛИБОЕВА,**
**«Туркистон»нинг уз мухбири.**

*Фақат шу сон учун*

## БУХОРОНИНГ БОЗОРИ

Шаҳарнинг «Тўқимачилик» туманида катта деҳқон бозори бор. Шу жой яқинда уч гектар-у ўн сотих майдонга кенгайди. Тўрт юз етмиш минг сўмга замонавий ёпиқ расталар қурилди. Бозор атрофи гулзорга айлантирилиб, панжаралар билан ўралди. 22 та дўкон барпо этилиб, 44 нафар сотувчи ишга олинди. Шунингдек, 28 нафар тижоратчи хусусий савдо шаҳобчаси бунёд қилишди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар савдоси тармоқлари кўпайди.

— Ромитан, Вобкент, Жондор, Шофиркон, Пешку туманларининг савдо-тайёрлов бўлимлари билан шартнома туздик, — дейди «Бозор» савдо корхонаси раҳбари Толиб Абдуллаев, — бу эса бозордаги нархнинг тушишига хизмат қиляпти, шаҳар аҳолисининг қиш мавсумига сабзавот ва мевалар ғамлаб олиши учун имкон яратаётир.

## АЛИФ КЕРАКМИ...

... Мирзо Улуғбек номли Каттақўрғон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти 300 гектар жойга махсар ўсимлиги экиб юқори ҳосил ундирди. Келгуси йил бу ўсимликни минг гектар лалми ерларга экиш мўлжалланяпти. Корхонада табиат муҳофазасига ҳам катта эътибор берилаётир. Яъни техник сувларни қайта ишлаш, экстракция тармоғидан буғланаётган бензинни тутиш бўйича янги лойиҳа тайёрланди.

— Каттақўрғон ёғмойнинг олтита фирма дўкони аҳолига хизмат кўрсатяпти, жамиятимиз ўтган йилгидан 300 тонна кўп ёғ ишлаб чиқарди,— дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Искандар Ишбеков, — яқинда эса алиф мойини тайёрлайдиган янги тармоқ қуриб ишга туширдик. Вақт кутмайди, дақиқалар қимматли, шундан фойдаланиб, янги иш ўринлари очаяпмиз.

Дарҳақиқат энг зарур бўлган алиф мойи республикамиздаги қурилиш ташкилотлари ва аҳолининг эҳтиёжи учун етарли миқдорда тайёрланаётир.

## «НУР»НИНГ ЧАРМЛАРИ

Каттақўрғондаги «Нур» кичик корхонаси Олмония ускуналарида митти колбасалар ишлаб чиқараётган эди. Эндиликда корхона аъзолари яна бир муҳим тармоқ очди. Қадим Шарқ услубида тери ошлашаётир.

## «ЛУТФУЛЛО ЛТД» ЛАТВИЯДА

Навоий шаҳридаги собиқ ГУМ «Лутфулло ЛТД» жамоа ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди. Бирлашма таркибида яхна ичимликлар, чойхона, қаҳвахона, дорихона бўлимлари бор. Тез кунларда дўконлар супермаркетга айлантирилади. Латвияда эса бирлашманинг савдо уйи очилади.

**Т. ЁРҚУЛОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**



Асака туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги 11-бригадасининг илғор теримчиси Мўътабархон Мадумарова кунига 130-150 килограммга етказиб пахта термоқда. Унинг шу кунгача уйган хирмони уч тоннадан ортиб кетди.

**Суратда: илғор теримчи Мўътабар Мадумарова.**
**Адхамжон АБДУРАХИМОВ суратлари.**

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР КЕНГАШДИ

Иқтидорли талаба бўлиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Унинг ўқ томири илмга чанқоқлик, тиним билмай мутолаа қилиш, унинг бой маънавий хазиналарини ўзлаштириш. Тошкент автомобиль ва йўллар институтида бўлиб ўтган «Иқтидорли талабалар анжумани» фиркримизнинг исботи бўлди.

Анжуманни институт талабалар касаба уюшмаси раиси, 4-курс толиби Шокиржон Исломов олиб борди.

Иқтидорли талабалар анжуманга аълочи ва совриндор толиблар, аспирантлар, докторантлар ҳамда шу институтни имтиёзли диплом билан битирган мутахассислар таклиф қилинди. Мақсад: институт талабалари ва ҳозирги пайтда олийгоҳимизни тамомлаб турли вазифаларда меҳнат қилаётганлар билан очиқ мулоқот ўтказиш эди. Оқибати: ҳозирги талабаларга институтнинг собиқ талабалари тажрибаларини айтиш, ўртоқлашиш ва келгуси истиқболли режаларни белгилаш эди.

Имтиёзли диплом билан институтни битириб, ҳозирда масъул вазифаларда ишлаётган Ш. Шовоҳобов, Л. Исаев ва Т. Ҳусановлар чиқишлари анжуман қатнашчилари учун жонли собоқ бўлди. Талабаликнинг олтин даври, унинг ўзига хос жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, Халқаро электротехника ФА академиги Қ. Аллаев, Республика талабалар Улуғбек жамғармаси бош директори И. Латипов ва Спорт техника клуби бошлиғи, автоспорт бўйича икки марта Ўзбекистон чемпиони А. Силенколарнинг анжуман қатнашчиларига қилган мурожаатлари ҳам ўзига хос чақириқ бўлди.

Аспирант Р. Бўриев, докторант — М. Орифжонов ва бошқалар Ўзбекистон — келажаги буюк давлатлигининг асосий пойдеворларидан бири — автомобиль саноатини вужудга келтириш, миллий автомобилларни яратиш, автойўл қурилишини жаҳон андозалари даражасига кўтариш лозимлиги, бунинг учун ёшлар, айниқса мухтарам юртбошимиз қайд қилганларидек, талабалар масъул эканлигини тўлқинланиб гапирдилар. Анжуман қатнашчилари мамлакат талабаларига қарата мурожаат қабул қилишди.

Карим НОРМАТОВ.

*Иш билганга...*

# «МИРАСРОР» — СПОРТЧИЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Пойтахтимизнинг «Отчопар» (Ипподром) бозори яқинида спорт анжомлари ҳамда кийим-кечаклари билан савдо қилувчи дўкон бор. Шуниси ажабланарлики, кўпчилик дўконлар ўз соҳасини ўзгартириб, бозори чаққон молларни олиб келиб сотишга ўтиб олишган бўлса-да, «Мирасрор» савдо ишлаб чиқариш корхонаси бир қадам ҳам ўз соҳасидан чекинмади.

1993 йил 13 декабрь куни «Отчопар»даги спорт моллари дўкони «Мирасрор» номли хусусий дўконга айланди. Ўша пайтда бу жамоада 22 киши меҳнат қиларди. Ҳозир эса 45 нафар...

— Корхонамизда бир қанча қўшимча ишчи ўринлари ташкил қилдик. Озиқ-овқат бўлими, салқин ичимликлар сотиш бўлими ҳамда чет эл фирмалари билан алоқа боғловчи бўлимлар шу жумладандир, — дейди «Мирасрор» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Мирасрор Султонов, — алоқаларга келганда, Олмониянинг «Ест-кросс» фирмасидан салқин ичимликлар, электр хўжалик моллари, Ҳиндистондан чой, кир ювиш кукуни кабилар келтираётганлигимизни айтиш мумкин. Шунингдек, Малайзия, Эрон мамлакатларидан ҳам турли спорт буюмлари, анжомлар дўконимизга келтирилди. Бундан ташқари корхонамиз «Катикс» корхонасидан коптоклар, бокс халталари, «Кока-кола» қўшма корхонасидан ичимликлар ва бошқа корхоналардан спорт оёқ кийимлари, спортга таалуқли металл буюмлар каби нарсаларни олиш юзасидан узлуксиз шартнома асосида иш олиб бормоқдамиз.

Хусусий корхонамиз олган соф фойдадан 750 квадрат метр жойга икки қаватлик дўкон қураяпмиз. Тошкент автошоҳ бекати ёнидаги ушбу дўконнинг биринчи қавати озиқ-овқат маҳсулотлари, иккинчи қавати эса саноат моллари билан савдо қилади. Ушбу қурилаётган дўконни маҳсулот билан таъминлаш учун «Эркин савдо» уюшмасига улуш қўшиб аъзо бўлдик. Бу уюшма Франция ҳамда Англия ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил топган. Худо хоҳласа шу уюшма ёрдами билан озиқ-овқат дўконида 450 хилга яқин маҳсулотлар пештахтага қўйилади.

Ҳозирча «Эркин савдо» билан ҳамкорлигимиз натижасида совун, шакар, кир ювиш воситалари, сигареталар дўконга келтирилди.

Агар икки қаватли дўкон ишга тушса яна 60 га яқин одамни ишга қабул қиламиз.

Келгусида қуриялик шериклар билан енгил автомашиналарнинг мой тозалаш асбобини (фильтер) ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ҳиндистоннинг «Ренгенси Екзим Хауз» фирмаси билан шу ерда автомашиналар учун антифриз тайёрлаш ниятимиз бор.

Мирасрор ака билан узоқ суҳбатлаша олмадик, негаки, мижозлар ва харидорлар кўп. Бу хусусий корхона келажакда 1,5 минг квадрат метр жойда савдо зали очишни ҳам режалаштирган. Айниқса «Ўзавтосаноат» уюшмаси қошидаги «Ўзсанимпекс» фирмаси (бу фирма енгил автомашиналарни сотиш ишлари билан шуғуланади) билан шартнома асосида «УзДЭУавто» Ўзбекистон — Қурия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни сотадиган биринчи шаҳобчаси шу ерда очилишини эшитиб гўё машинада кетаётгандек юрагимиз қувончга тўлди.

Мирасрор Султоновнинг ёнида Аҳаджон Йўлдошев, Обид Турсунов, Хайрулла Йўлдошев, Садриддин Каримов каби тиниб-тинчимас ва тадбиркор одамлар елкадошдир. Дўконни кўздан кечирдик. «Минск» мотоцикллари, автомобилларнинг турли хил эҳтиёт қисмлари, саноат ва хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари... хуллас пештахтага қараб кўз қамашади. Корхонада бир пайтлар тикувчилик тармоғи очилган эди. Афсуски, бу тармоқ ўзини оқламади. Гарчи ускуналар бекор турган бўлсада ҳозирча тикувчилик тармоғи ёпилди.

Ниҳоят спортга нисбатан эътибор бироз камайган вақтда спорт анжомлари ва кийим-кечаклари билан савдо қилувчи дўкон сақланиб қолганлиги ва ҳамон ўз иш фаолиятини шу соҳада юритаётганлиги таҳсинга сазовордир. Қолаверса, «Мирасрор» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси мактабларга, болалар боғчаларига, олий ўқув юртларига зарур бўлган спорт анжомларини пул ўтказиш йўли билан етказиб бераётган корхоналардан биридир.

Биз «Мирасрор» ХИЧК ҳақида кичик бир мақолада тўлиқ тўхтала олмадик. Ривожланишнинг илк поғоналарида бўлган корхона фаолияти борасида илк таассурот ана шулар. Худо хоҳласа, батафсил суҳбат кейин...

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

# ЙЎЛСОЗЛАР

Ҳикоямиз Наманган асфальт-бетон қоришмалари заводи ҳақида. Унинг айни кунлардаги фаолияти, орзу-ўйлари хусусида завод директори Исроил Ҳасанов шундай ҳикоя қилади:

— Корхонамизда 133 киши ишлайди. Вилоят йўлсозларига қоришма етказиб бериш, темир-бетон маҳсулотлари билан таъминлаш, номаъдан материалларни қайта ишлаш билан шуғулланамиз. Шунингдек, темир йўл орқали келадиган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва тарқатиш ҳам зиммамизда. Нефть маҳсулотларининг 90-95 фоизи йўлсозлар учун сарфланади.

Агар 1993 йилда қоришма 42 минг тонна ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг 6 ойи мобайнида бу кўрсатгич 45 минг тоннага етказилди. Ишчи ўринларини қисқартмасдан темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришдик. Шу мақсадда янги цех ташкил этилди. Янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этмоқдамиз. Республикада биринчи бўлиб, «Ўзавтойўл» концерни тавсиясига кўра битум маҳсулотларини иқтисод қилмоқдамиз. Битум эмулсияси жорий этилди. Бу технология асосида 50 фоиз битум иқтисод қилиняпти.



Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор бермоқдамиз. Картошка, сабзи, ёғ, ун, буғдой каби хўжалик учун зарур бўлган маҳсулотлар ходимлар учун текин тарқатилмоқда. Ёрдамчи хўжалигимиз бор. 10 гектар еримиз бўш қолмайди. Қорамол бор. 20 сотих жойдаги иссиқхона қишу ёз ишчилар хизматида.

Исроил Ҳасановнинг гаплари кўп. Шунга яраша ишлари ҳам. Худо хоҳласа мазкур заводнинг бугуни ва эртаси ҳақида яна газета саҳифаларида сўз айтиш ниятимиз бор.

**СУРАТЛАРДА: завод директори Исроил Ҳасанов, оператор Тожимирзо Яхшибоев ва асфальт қоришмаси тайёрлайдиган ускуна акс эттирилган.**

**Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.**





# *ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ: Тошкент бозорларини кезганда*

















## ОТАНГГА РАҲМАТ, ДЕҲҚОН!

Бир дўстим бор, Сирғалида *яшайди. Серфарзанд.* Қачон уйига борсам, нолигани-нолиган.

—Қизиқ замонлар бўлди-да, елиб-югирасан, барибир етмайди...

Дўстимнинг туриш-турмушига қараб, нолиганига ажабланаман. Ҳамма нарсаси етарли. Уй-жойи ҳам яхшигина. Қачон борсам дастурхони бадастир.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Энди нолий бошлаганди хо*тини гапини* бўлди:

— *Бўлмағур* гапларни қўйинг, хўжайин. Ундан кўраси дўстингизга анови «сабил»дан биттасини олиб чиқиб, қуйиб беринг. Ўзингиз ичмаганга яраша...

Ошнам хотинини биринчи марта кўраётгандек қаради-да, товушини сал кўтариб, пўписа қилди:

—Нима деб валдираяпсан ўзи? Ундан кўраси овқатга унна, яхшилаб бир шўрва қилчи, аввал.

Дўстим гапини оёқлатмай, пастдан кимнингдир йўғон овоз билан қичқиргани эшитилди:

—Помидор, картошка сотаман!

Ошнамнинг кўпқаватли уйи ёнидаги қуюқ олча дарахтлари остида *эшак арава тўхтагани кўринди. Унда 18-20* ёшлар чамасидаги йигит турли-туман сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиларди. Дўстим билан пастга тушдик. Савдо бошланди.

— Помидорнинг килоси қанчадан? — хотинига қилган пўписа оҳангида сўради йигитдан ошнам.

—Уч сўм.

— Ие, қиммат-ку? Бир сўмдан бўладими? Хўп десангиз, беш кило оламан.

Деҳқон йигит дўстимга ажабланиб қаради. Кулди-да, деди:

—Агар сизга бир сўмдан берадиган бўлсам, парвариш учун кетган сарф-харажатимни ҳам оқлолмайман-ку. Майли, икки сўмдан олақолинг.

Шу тобда икки-уч фарзанди билан бошлашиб дўстимнинг хотини ҳам пастга тушди. Қўлида катта елим челак. У хўжайинининг олдига келди-да, ҳеч нарса демасдан сотувчи йигитга юзланди:

—Бўпти ука, сиз айтганча бўлсин. Тортинг ўн кило.

Йигит осма торозида бир зумда ўн килограмм помидорни тортиб берди. Уйи томон йўл оларкан, ошнамнинг хотини миннатдорчилик билди*риб, ёш деҳқонга деди:*

—*Раҳмат ука*, шунақа тез-тез келиб туринг. Кейинги вақтларда кўринмай қолувдингиз? Тинчликми ўзи?

—Акамни уйлантирган эдик. Тўй ҳаракати билан бўлиб денг, анча шаҳарга тушолмадим.

—Бахтли бўлишсин. Сизга ҳам яхши жойлардан ато қилсин, — ошнамнинг хотини қўлидаги челакни ерга қўйиб, дуога қўл очди. Биз ҳам дўстим билан унга эргашдик.

Ростини айтганда, кейинги вақтларда бозор иқтисодига ўтиш кўпларни қийнаб қўйди. Бу сир эмас, албатта. Лекин ҳаракат қилган, излаган одам имконият топиб, яхши яшаяпти. Ўзбекнинг тўйларини кўринг, аввалгиларидан ўтса ўтадики, асло қолишмаяпти. Дастурхон тўла нознеъматлар. Анору анжирдан тортиб, апельсину лимонларгача бадастир. Ҳали ҳам етти маҳаллага ош бериш одати қолмаяпти.

Куни кеча ўзининг чиройи билан нафақат мамлакатимиз аҳолисини, балки хориждан келаётган меҳмонларни хам лол қолдираётган машҳур «Олой» бозорида бўлдик. Бозорда ҳаёт қайнайди. Олувчидан гўё сотувчи кўпдек. Она заминда етиштирилган олмаю анорлар кўзингизни олгудек ял-ял ёнади. Харидор билан сотувчи нарх талашишади. Охири бир тўхтамга келиб, борбарака қилишади.

Бозорни айланар эканмиз, кейинги вақтда унинг нафақат ташқи қиёфаси, балки ичкариси ҳам ўзгариб кетганига, сотувчилар учун барча шарт-шароит яратилганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу ерда нақадар кенг кўламда қурилиш ишлари амалга оширилибди. Унинг бир хуснига, ўн хусн қўшилибди.

—Мамлакатимиз раҳбарларига, Тошкент шаҳар ҳокимиятига минг раҳмат, — дейди бозор директори муовини Аъзамжон Тошпўлатов. — Қурилиш материаллари танқчил ва қиммат бўлишига қарамай бизга катта ёрдам бе*ришди. Бозор худуди кен*гайиб, 9 гектардан ортиқроқ майдонни ташкил этди. Янги-янги расталар қурилди. Ҳозирги кунда бир вақтнинг ўзида бизнинг бозоримизда бир ярим мингдан икки мингтача деҳқон савдо қилиши мумкин. Уларга барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз.

Бозор айланиб, унинг гаплари қанчалик ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Сотувчилар билан сухбатлашдик.

ТУРСУНОЙ ТОЛИПОВА — Янгийўл тумани Халқабод жамоа хўжалиги ижарачиси:

—Беш гектар майдонга турли-туман сабзавот махсулотлари экканмиз. Мош дейсизми, ловиями, булғор қалампирими — ҳаммаси бор. Шартномадан ортган қисмини бозорга олиб келиб пуллаймиз. Мана бу помидорнинг килосини уч сўмдан, булғор қалампирини тўрт сўмдан, ловияни 6 сўмдан, бодрингни эса 20 сўмдан сотаяпман.

—Нима учун бодринг 20 сўмдан? Қиммат эмасми?

—Рости, бироз қимматлиги бор. Лекин йўлкира бизни чақиб юбораяпти. Ҳар қопи учун ҳайдовчига 30 сўмдан тўлаймиз. Биз ҳам оилада кўпчиликмиз. Беш фарзандим бор. Шаҳардагилар маошга кун кўришларини яхши биламан. Шунинг учун иложи борича арзонроқ сотишга ҳаракат қиламан. Агар мен олиб келган маҳсулотлар бир-икки кун туриб қолса, уларнинг сифати бузилишини яхши билганим учун ҳам тезроқ уларни бир ёқли қилишга шошиламан.

Турдиали ОХУНОВ Марғилондан.

—Йўл ҳаққи қиммат бўлмаганда, олиб келган узумимни 13-15 сўмдан пуллаган бўлардим ака. 20 килограммли бир дона яшик учун 50 сўм йўл ҳақи берамиз. Ана энди бу ёғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг. Шунинг учун ҳам сархил хусайни узумларни 20 сўмдан, баъзида эса одамига қараб (ўзимиз ҳам кўпхарж оиладанмиз) 15 сўмдан сотаяпман.

Кейинги суҳбатдошим исмини ҳам, фамилиясини хам айтмади. Айтгани шу бўлдики, Самарқанднинг Тойлоқ туманидан. Бир машина картошка олиб келибди. Килосини 10 сўмдан пуллаяпти. Қисқа сухбатнинг охирида шундай деди:

—Агар газетадан бўлсаларинг бир илтимос бор, Самарқанд билан Жиззах вилоятларининг давлат автомобиль назорати ходимларига айтиб қўйсангизлар, деҳқонга йўлни очиб қўйишса. Каттакичикми, қайси бир назорат пости бўлмасин, то Тошкент вилоятига келгунимизча, йўлма-йўл тўхтатиб, қанча вақтимизни олишди. Тошкентликларга минг раҳмат, бирор жойда ҳам тўхтатишмади.

Ўйлаймизки, деҳқоннинг фикрини эшитадиган мутасади раҳбарлар ҳам бор. Улар бундан тўғри хулоса чиқариб олиб, тўғри келган, айниқса, марказга сабзавот маҳсулотлари олиб кетаётган автомашиналарни тўхтатаётган тартиб посбонларини «тартиб»га чақириб қўйишади.

Бозорнинг серҳашам дарвозасидан чиқар эканмиз, икки қўлида тўла тўрхалта кўтариб кетаётган қарияларнинг гапи қулоққа чалинди:

— Хайрият, бозор кечагидан анча арзонлашибди. Ажаб эмас, эртага бундан ҳам арзон бўлса.

— Ноумид шайтон дейдилар ахир, айтганингиз келсин.

Биз ҳам кўпни кўрган қарияларнинг ниятига қўшилдик. Келажакка умид билан яшаш керак. Ҳозирги кунда энг муҳими ҳам шу.

**Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ, Муҳаммад АМИН «Туркистон» мухбирлари.**

# Ўн саккизга кирмаган ким бор?!

*Дил сўзи*

## ФАҚАТ ЁШЛАРНИ АЙБЛАШ ТЎҒРИМИ?

Ким нима деса, десину, қишлоқдаги урф-одатлар, уят ҳисси қанчалик халал бермасин, бир-бирига кўнгил қўйиб турмуш қурган ёшлар оз эмас.

Аммо... Фақат ёшларни айблаш адолатданми?

— Қишлоқ қизларининг эркин нафас олишига — орзулари ушалишига халақит берадиган бошқа тўсиқлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди, — деди Денов шаҳар солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Абдурашид Норбоев.

Мана, Қизириқ, Бандихон, Ангор, Шеробод, Олтинсой туманларидаги қишлоқларда клублар, кутубхоналар нега қаровсиз аҳволда? Клубларда ойлаб фильмлар кўрсатилмайди.

Ахир қишлоқ ёшларининг кўпчилиги табиатан ўта уятчан, улар аслида ана шу ойда, йилда бир марта кўрсатиладиган кинога ҳам фақат кечаси, қимтинибгина борадилар. Маданият ва истироҳат боғларида сайр қилиб юриш эса Шарқ қизлари урф-одатига мос эмас,деган фикр ҳамон бор. Тўғриси, қишлоқларда боғларда сайр қилиш қаерда дейсиз.

Хўш, қишлоқ қизлари бир-бирлари билан гурунглашиш ва кўнгил очишлари учун нима қилишлари керак? Туман ва хўжаликларнинг раҳбарлари нега бу ҳақда қайғурмайдилар?

— Бу масалалар билан шуғулланиш ҳеч қачон зарар келтирмайди, — дейишди бир гуруҳ ёшлар биз билан суҳбатда. Аммо, Бандихон туманида бир неча йилдан буён истироҳат боғи, кутубхоналар ташкил этиш муаммоси ижобий ҳал бўлмаётганини гапириб беришди.

Ечимини кутаётган муаммолар борлигидан ҳам кўз юмолмаймиз. Ҳалиям Сурхондарёда қалин масаласи ёшларни қийнаб, уларнинг йўлига тўғаноқ бўлиб қолаётир. Йигит билан қиз бир-бирларига кўнгил қўйишди, дейлик. Албатта, фотиҳа куни нон синдирилади. Шу куни бўлажак қуда тарафдан бир талай шартлар қўйилади.

Яқинда «Тистара» жамоа хўжалигида қиз билан йигитнинг фотиҳа маросимида қатнашдим. Бўлажак қудалар шундай шартларни кўндаланг қўйишди:

1. Ўн бош семиз қўй.
2. Тўрт минг сўм пул.
3. Бир гилам.
4. Иккита сандиқ.
5. Уч той пахта.
6. Битта мебель.

Ҳали шартларда белгиланмаса ҳам олиб келиниши лозим бўлган асосий нарсани айтмадик. Бу келин тарафга юбориладиган нарсалар. Унда қарийб ўн минг сўмлик энг сўнгги модадаги матолар бўлиши албатта шарт.

Бунинг устига тўй куни етти-саккиз яшик арoқ, сўйиш учун икки бош ҳўкиз, кабоб тайёрлаш учун яна икки-уч бош қўй бўлишни гапирмаса ҳам бўлади. Буям етмагандай «вечер» куни икки минг сўмга ҳаваскорларни ёллаб олиб келиш керак, минг сўм сарфлаб, тўйни видеога тушириш белгиланади.

Аслида булар ҳеч ким томонидан ўйлаб чиқарилмаган. Лекин бир неча ўн йиллардан буён ихтиёрсиз равишда урф-одатга айланиб қолган. Мабодо буларнинг бирортасини қилмасангиз қишлоқчилик, гап-сўзларнинг зил-замбил юкидан тўй эгаси бошини кўтаролмай қолади. У томони ўзбекчилик «Фалончи қиз кимдан кам, туйи расво бўлиб ўтди. Отаси «вечер» қилиб беришни ҳам ёлчитмади. Тағин улар севишиб турмуш қураётган эмишлар...» Кўпчилик кўрпангга қараб оёқ узат деган гапни унитишган.

Қизиқ, бир неча ўн минг сўм пулнинг бошига етадиган қалин ва бошқа расм-русумларнинг севгига нима дахли бор экан? Севишдими — демак, тўй қилаверишсин-да, дея ўйладим шу куни фотиҳа ўқиш маросимида қатнашар эканман.

Мана шундай ортиқча дахмазалар ҳам айрим қўли калта оилаларнинг фарзандлари муҳаббатига раҳна солмаяптимикин? Балки, вилоятдаги қишлоқ оқсоқоллари йиғинлари, хотин-қизлар кенгашлари, ёшлар иттифоқи аъзолари бу долзарб масалалар билан жиддийроқ шуғулланиши лозимдир.

Худога шукр, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли, юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари натижасида халқимиз турмуш даражаси тобора яхшиланиб бораётир. Аммо, ортиқча исрофгарчиликлар, дабдабалар, бундай эскича урф-одатларда ҳам меъёр бўлгани яхши эмасмикан?

Туман халқ судида севишиб оила қурган, аммо, арзимаган баҳоналар сабабли ажралишаётган аёл билан гурунглашганимда у юқоридаги муаммоларни албатта ёзишим кераклигини, тенгдошлари бу оғриқли масалаларга муносабат билдиришлари лозимлигини қайта-қайта тайинлади.

Нима ҳам дер эдим. Собиқ севишганларнинг баъзилари бугун алимент ундириш пайида зир югуриб юришганини кўрганимда жойлардаги муаммоларни ҳал этишга ҳаммамиз ҳам масъул эканлигимизни яна бир карра англагандек бўлдим.

Сирасини айтганда, айрим севишганларнинг мурод-мақсадига етишмаслигига ўзлари ҳам бир жиҳатдан айбдордирлар. Буни судда мен билан суҳбатлашган Алишер исмли йигит шундай изоҳлайди:

— Тўғриси, фақат қизнинг чиройига, бўй-бастига учиб, хато қилган эканман. Мени ота-онам «Майли, бир-бирларингни яхши кўрган экансизлар, бахтли бўлинглар» деб қишлоғимиздаги қизлардан бирига унаштириб қўйишди. Гапнинг очиғи, ҳаёт фақат қизнинг гўзал юзига термулиб ўтириш»дан иборат эмаслигини кеч англадим. Чунки, бу қиз уйга келгач на кир ювишни ёлчитади, на... овқат тайёрлашни... Чучвара қилгин, десам қўлимдан келмайди, деб бурнини жийиради. Тандирда нон ёпишни ҳам икки йилдан буён қари энам ўз гарданига олган. Ахир, рўзғор отлиқ зил-замбил юкни икки севишган ёш баб-баровар елкасида кўтаргани маъқул эмасми?

Лекин, шуни ҳам англадимки, бундай қусурлар фақат қизлардагина эмас, йигитларда ҳам бир талай. Мана бир ошнам севганига уйланди. Энди ҳеч жойда ишламайди. Қўлида ҳунари йўқ, хотинини куйдириб ғам-аламда яшаяпти.

Унинг сўзларини жимгина тингладим ва наҳотки севги деганлари рўё бўлса, деган сўзлар қулоғим остида жаранглаб турди.

... Муқаддас кўз ёшлари юзини ювавётганига ҳам парво қилмай, негадир ичидаги ниҳоясиз дард-аламларини тўкиб солишдан тўхтамас эди. Гурунг сўнгида эса қатъий деди:

— Муҳаббатнинг борлигига мутлақо ишонмайман!

Ишониш-ишонмаслик — бу ҳар кимнинг хоҳишига боғлиқ. Ахир, таниқли шоир Муҳаммад Раҳмон бекорга қуйидаги қайноқ сатрларни битмаган-ку:

Ишқ дегани омонлик, Гоҳ ранг-рўйи сомонлик.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**«Туркистон» мухбири**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Мана, сирли-сеҳрли дунёнинг айрим инсонлар турмушидаги тотли ва аламли дамлари ўз муҳрини қолдираётгани ҳақидаги турфа тафсилотлар билан танишдик. Аслида, ҳар қалбдан ўзгача жаранглайдиган бу мавзу бир неча минг йиллардан бери турли баҳс-мунозараларга озиқ бериб келаётганлиги сир эмас.***

***Умуман олганда, севиш-севилиш бу фақат инсоннинг ёлғиз ўзигагина тааллуқли бўлган, мутлақо шахсий туйғулардир.***

***Аммо... Ҳаёт кўндаланг қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни муайян кишилар турмуши мисолида таҳлил қилиш нурли келажакни, бўлғуси ёш инсонлар камолини таъмин этишда кўмак бериши табиийдир.***

***Азиз газетхон!***

***Хўш, бу мақолада тилга олинган воқеалар, муаммолар тўғрисида сизларнинг фикрларингиз қандай?***

***Мактубларингизни кутиб қоламиз.***

*Бозор ва оила*

## «ОЛАХУРЖУН» БЎЙИНГА ТУШДИ...

***Тепасига «Деҳқонобод» бозори» деб ёзилган дарвозадан кираверишда бир акамиз ўтирадилар. Олдиларидаги пештахта усти шоколадми, сақичми, ручками, ишқилиб минг хил майда-чуйда нарсалар билан тўла. Харидорларга жудаям хушмуомалали. Шунинг учун ҳам бозори чаққон. Балким, танирсиз. Танимасангиз таништириб қўяман: Ургут туманининг қулқишлоғилик Шароф БЎТАЕВ. 1971 йилда туғилган. Оилали, икки фарзанди бор. Шароф ака билан оила тўғрисида суҳбатлашиш қандай хаёлимга келди, ўзим ҳам билмайман. Нимагадир баъзи нарсаларни билгим келаверди. Мен сўрадим, у киши жавоб бераверди.***

— Айтинг-чи, турмуш қурганингиздан кейин ўзингизда қандай ўзгаришлар сездингиз?

— Инсон оилали бўлгандан кейин ўзи истамаган равишда бўлсада, кўп нарсаларни тушуна бошларкан. Кечагина мактабни тамомлагандим. Нималарни орзу қилмаганман. Эсласам, кулгим келади. У пайтлар мен учун ҳамма нарса хаёлдагидек осон эди, ҳаётни содда тушунардим. Табиатимга қандайдир вазминлик қўшилди, салга ҳовлиқиб, жўшиб кетишим йўқолди. Сабрли, босиқ бўлишни ўргана бошладим.

— Турмуш ўртоғингиз билан синфдош экансизлар, тушунмовчиликлар ҳам бўлиб турадими?

— Эслолмайман, тўғриси хафачиликни тез унутаман, кечиримлиман.

— Баъзи оилаларда сабабсиз жанжаллар бўлиб туради. Шу боис бўлса керак, ажралишлар кўп... Улар билан суҳбатлашсангиз «биз ҳам севишгандик,» дейишади.

— Нима десам экан? Умуман, оиланинг мустаҳкамлиги аввало эрнинг, сўнгра хотиннинг қўлида. Биринчи навбатда оилада муҳаббат бўлиши керак. Бир-бирини тушуниб яшашса, оилада жанжал бўлмайди. Етишмовчилик, беъмаъни гаплар, бировларнинг гапига киришдан оилага путур етади. Бесабрлик етим болаларни, ўгай ота-ю оналарни пайдо қилади. Турмушнинг аччиқ-чучугига чидагангина мустаҳкам оила қуради.

— *Жаҳлингиз чиққан пайтларда хотинингизга ўшқирасизми?*

— Бўлиб туради, лекин кейин кечирим сўрашни ҳам унутмайман.

— «Олахуржун» деганда нимани тушунасиз?

— Уйланаётганда амакиларим, оилали дўстларим «Ола хуржун бошга тушди» деб ҳазил қилишувди. Мен кулиб қўйгандим. Унинг нима эканлигини энди тушунгандайман. Нима деб тушунтирсам экан... Уйланган киши ташвишлироқ бўлади: рўзғор, бола-чақа... Мана шу ташвиш, мана шу масъулият — олахуржун-да.

— Сизнингча, оилада ким устун бўлиши керак?

— *Эркак, албатта. Чунки у* рўзғор бошлиғи, суянчиғи, хотиндан бир поғона бўлса-да, барибир юқори туради. «Аёлнинг минг топгани — эркакнинг бир топгани». Яна... аёл ўз вазифасини билиши керак, аёллигини ҳис қилиб яшаши керак. Эркак озроқ вазмин, озроқ босиқ, камгап бўлгани яхши.

— Нега?

— Оилада кўп гапиришни хотинларга чиқарган.

— Ҳозир иқтисодий аҳволларингиз қандай?

— Ростини айтсам, ўзимиздан, рўзғоримиздан розимиз. Бозор орқали иморатимизни тиклаб олдик. Савдодан тушган пулга рўзғор тебратаяпмиз. Нон учун буғдойимиз ҳам етарли. Барибир... баъзан ўйланиб қоламан-да. Бундан етти-олти йил аввал тарих факультетига ўқишга киролмагандим. Барибир шуни юрак қўмсайди. Билимли одам барибир бошқача-да...

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**
**СамДУ толиби.**

## КЎНГИЛ ҚАТИДАГИ ГАПЛАР

Мен сени тушунмайман, бир нарсани орзиқиб кутасан-у, ўша вақт келганда истагингга ўзинг қарши чиқасан.

***

— Ўзинг учун яшагин, дейишади.

У қандай бўлади?

***

Нега сизни тергайман? Сизнинг қадамларингизни тергашга, ҳатти-ҳаракатларингизга баҳо беришга ҳаққим борми менинг? Кейинги пайтларда ўзимни-ўзим танимай боряпман. Қани менинг ўзим?

***

Ширин гапларингдан мароқланаман. Соатлаб гаплашиб ўтирсам дейман. Сенинг ҳар бир гапинг, қилиқларингдан қанчалик мароқланаман, улар мени яшашга ундашидан ўзинг бехабарсан, қизалоқ. Лекин... сен меники эмассан-да.

***

Эҳтиёт бўл дейишарди, эҳтиёткорлигимдан қоқилдим. Кўзингга қара дейишарди, ҳадиксирашимдан хато қилдим. Қайси гапга киришимни билмай қолдим. Англаганим, ўзинг бўлиб яшагина, ва ўзингга ёққан йўлни танлагин, экан.

Бир келиб кетсанг-чи, кутганим. Меҳринг эмас, қаҳринг ҳам қаттиқ экан. Аразлашлар сенга ярашмаса-да, менинг юрагимни ўртаб юборди, Нигора.

**Ёзиб олди: Гули ЧЕҲРА.**



*Севги, сенинг ширин лабингдан*
*Ким ўпмаган, ким тишламаган...*

**М. АМИН сурати**

## КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

— Табриклайман, қўшни, хотинингиз билан ярашибсиз, чамаси. Биргаликда ўтин арралаётганларингизни кўрдим.

— Эй, нималар деяпсиз. Мебелларни бўлишиб олдик, холос.

***

— О, азизим, яна битта бўса олсанг, бир умрга мен сеникиман.

— Ўз вақтида огоҳлантирганинг учун беҳад миннатдорман!

***

Навбатчи доктор:

— Хўш, қанақа беморларни келтиришди?

Ҳамшира:

— Иккита енгил жароҳат — машина ҳалокатига учраганлар ва битта оғир жароҳат — идиш-товоқ ювишдан бош тортган эр...

***

Ўғил отасидан сўраяпти:

— Пул дегани нима ўзи?

Ота (ҳавас билан):

— Пул бу, ўғлим, машина, коньяк, гўзал аёллар...

Ўғил:

— Агар у бўлмаса-чи?

Ота (чуқур хўрсиниб):

— Пулсизлик трамвай, чой ва сенинг онанг дегани.

*Мулоҳаза учун*

## ЎН ЕТТИГА КИРМАГАН «КЕЛИНПОШША»ЛАР

### ёки балоғат ёшига етмаган қизларни эрга бериш жиноят эканлиги ҳақида

***Бир шоир, чол чолга, йигит йигитга, кампир эса кампирга ўхшасин деб ёзганида нақадар ҳақ эди. Шу ўринда қизлар ҳам балоғат ёшига етиб турмуш қуришлари керак. Бу аввало табиатнинг қонуни, қолаверса давлат ва шариат қонунлари ҳам шундай талабни қўяди. Аммо, бизнинг Андижон томонларда ҳали она сути оғзидан кетмаган ўн тўрт, ўн беш ёшли «келинпошша»ларнинг кўпайиб қолаётганлиги ташвишлидир. Уларнинг ота-оналари фарзандларини ўз вақтидан ҳам эртароқ бахтли қилдик, деб ўйлашади, ҳадемай невара кўришга ҳам шошилишади. Аммо ҳали болаликнинг беғубор олами билан хайрлашиб ҳам улгурмаган қизалоқлар тирикчилик, рўзғор аравасини тортишга тайёрмикан?***

**Бу масалага шифокорларимиз, ота-оналаримиз қандай қарашади? Мустақил давлатимизнинг бу соҳадаги қонунлари қандай?**

Бу саволга Андижон вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси Бахтиёр Отажонов шундай жавоб беради.

— Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва Оила кодексининг 18-моддасида никоҳ эркаклар учун 18 ёш,қизлар учун 17 ёш деб белгиланган. Жиноят кодексининг 98-моддасида никоҳ ёшига етмаган шахс билан алоқада бўлиш бир йил муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланиши ёки шу муддатга озодликдан маҳрум этилиши ёзиб қўйилган.

Никоҳ ёшига етмаганларни ота-она ёки бошқа шахслар томонидан эрга бериш икки йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки бир йил муддатга ахлоқ тузатиш билан белгиланади.

Андижон шаҳрилик Санобар Юсупова тезроқ невaralик бўлиш илинжида синглиси Гулнора Жўраева билан ўзаро келишиб, 1979 йилда туғилган қизи Наргиза Юсупованi Пойтуғ шаҳрида яшовчи Алишер Усмоновга турмушга берган. Опа-сингиллар ва қудалар Наргизанинг ҳали ёш эканини ўйлаб ҳам ўтиришмади.

Хўжаобод туманидаги Элчибек қишлоғида яшовчи Жонибек ва Суқсурхон Арабовлар 1979 йилнинг 24 майида туғилган қизи Саломатхонни Рустам Мамасиддиқовга турмушга беришган.

Шунингдек, асакалик Шерали Ғаниев ҳам исми-жисмига монанд «шер» йигит экан. Бўлмаса маъмурий орган ходимларининг расмий огоҳлантиришларига қарамасдан никоҳ ёшига етмаган Муаттархон Қосимовага уйланармиди?!

Юқорида номлари зикр этилган ота-оналар устидан Избоскан, Хўжаобод туманлари ва Асака шаҳри прокуратуралари жиноий иш қўзғади. Фарзандларини эртароқ бахтли қилишга ошиққан ота-оналарнинг қонун олдида жавоб беришларига тўғри келди.

**Раънохон Турсунова, Андижон шаҳридаги 2-туғруқхона бош ҳакими:**

— Ўн тўрт, ўн беш, ўн олти ёшдаги қизлар турмушга узатилса, кўпгина нохуш ҳодисаларга дуч келишлари бизнинг тажрибамизда намоён бўлмоқда. Биринчидан, ҳали рўзғор тебратишга, жисмонан ва ақлий жиҳатдан тайёр бўлмаган қизлар эсанкираб қолишади. Иккинчидан, ҳомиладор бўлганда ҳомиланинг ривожи суст кечади. Айрим ҳолларда чақалоқ 7-8 ойда 1,4 — 2,2 килограмм вазнда чала туғилиб, уни парвариш қилиш қийинлашади ва кўпинча бундай чақалоқлар нобуд бўлади. Ёш қизларнинг ўз организмининг ривожланиши учун турли витамин ва моддалар зарур бўлган шароитда қориндаги боланинг ўсиш эҳтиёжини қондиролмайди. Учинчидан, энг даҳшатлиси, ҳомила катталашиб кетса, ёш она туғолмай қийналади. Онани сақлаб қолиш учун жарроҳлик усули билан чақалоқни она қорнидан ёриб олинади. Бу ҳолда она ногирон бўлиб қолиши мумкин. Тўртинчидан, ёш оналарнинг сути етишмай, чақалоқнинг касалга чалиниб, нимжон ва инжиқ бўлиши ҳамда руҳий мукаммал бўлмаслиги кузатилмоқда.

Ўтган йилнинг охирги саккиз ойи давомида 38 нафар ўн тўрт, ўн беш, ўн олти ёшли келинчаклар туғруқхонамизда кўз ёрди. Шулардан ўн бир нафари ой-куни тўлмай чала туғилди, беш онанинг ҳаёти жарроҳлик йўли билан сақлаб қолинди.

Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда ўн етти ёшга тўлмаган қизларни эрга бериш асло мумкин эмас. Ҳушёр бўлинг ота-оналар, ўз жигаргўшаларингизга жабр қилиб қўйманг!

**Андижон шаҳридаги «Янги деҳқон» маҳалласида яшовчи онахон Каромат Қодирова:**

— Ҳали пишиб етилмаган хом олмани барвақт узиб қўйилса, тезда сўлиб, буришиб, ўз сифатини йўқотади. Ёш қизларни ҳам худди пишмаган олмага қиёс қилиш мумкин. Баъзи ота-оналар бу ҳақда мулоҳаза юритмайдилар, қизларининг хоҳиш-истаклари билан эса мутлақо қизиқмайдилар.

Буларга қарши ўлароқ, менинг таклифим, дуч келган муллалар никоҳ ўқимасалар. Никоҳни фуқаролик ҳолатини қайд этувчи давлат идораларининг гувоҳномасига эга бўлганларга масжидлар томонидан белгиланган муллалар ўқиса ва махсус дафтарларга қайд этиб борилса анча кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди.

Инсониятнинг буюк ёзувчиларидан бири Онаре-де Бальзак «Биз юраги муҳаббатдан қанчалик роҳатланса, жисми ҳам лаззат олишига шунчалик муштоқ бўлган кимсанигина ҳақиқий инсон деб биламиз», — деб ёзган эди. Қиз боланинг пешонасига оналик, наслни давом эттириш бахти битилган экан бу яратганнинг инояти-ю, табиатнинг бетакрор мўъжизасидир. Илоҳим ана шу бахт ҳар бир ожизаю мўминага бутун бўлсин. Зотан бу бутунлик гўзал балоғат-у, ширин жуфтлик, фарзанд туғиб уни баркамол инсон қилиб эл-юртга қўшишдадир.

Мурғак қизларни тезроқ узатиб, орзу-ҳавас кўриш иштиёқида ёнаётган азиз ота-оналар, ҳали маъсум ва бокира фарзандларингизнинг болаларча кулиб турган кўзларига, ҳали қотиб улгурмаган ёшгина қадди-қоматларига яна бир боқинг! Балоғат кўчасидан ўтмаган қизимга жабр қилиб қўймаяпманмикин, деб ўйлаб кўринг. Зотан, халқимизнинг асрлар силсиласидан ўтган доно нақли бор: «Шошган қиз эрга ёлчимайди».

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**Андижон вилояти.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Болалик гаштини сураётган, ҳали мурғак қалбида муҳаббат куртаклари ниш уриб улгурмаган, оила дея аталмиш уйнинг нақадар муқаддаслигини англаб етмаган қизалоққа келинлик либоси ярашармикан? Уй ишларини эплай олмай қайнонаси олдида мулзам бўлиб, дакки еганида, эрининг дилига йўл топа олмай кўнгли вайрон бўлганида армон бу оппоқ либосга ўзининг қора доғларини солмасмикин?**

**Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?**

*Океан ортидан хат*

**Арнольд ШВАРЦЕНЕГГЕР:**

## ЎЗИМ КИР ЮВИБ, ОВҚАТ ПИШИРАМАН

Америкага келган дастлабки кунларимда онамга ўхшаб эрига ғамхўр, пазанда, рўзғор ишларида саранжом-саришта аёлга уйланаман, деб хаёл қилардим. Мен яшаган муҳит, мен яшаган уйда шундай тартиб жорий этилганди-да.

Культуризм билан машғул эканман, спортнинг бу тури билан шуғулланишни истаган аёлларни учратдим. Бироқ уларга иккинчи нав одамга қарагандек муносабатда бўлишарди. Мен бундай қилиш адолатсизлик эканлигини ич-ичимдан туйдим. Ва гарчанд ўзим мушакдор аёлларни хуш кўрмасам-да, уларга кўмаклашишга аҳд қилдим. Мени уларнинг тиришқоқлиги қойил қолдирарди. Спорт нафақат эркаклар учун, аёллар учун ҳам хизмат қилиши керак, деб ўйладим...

Марияни илк бор учратганимдаёқ унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган аёл эканлигини англадим. Аммо ўзаро муносабатларимиз ниҳоятда секинлик билан ривожланарди. Ортимга қараб шуни тан олишим лозимки, мен уни йил сайин тобора кучли эҳтирос билан севиб борардим. Мен 25 ёшимда ёки 30 ёшимда ҳам уйланишга ошиқмадим. Бу тўғри қарор эди, чунки мен бу қадамга ҳали тайёр эмасдим. Мен 39 ёшимда уйландим. Мария мен орзулаган жуфт эканлигини англаб етгандим ва у менга чиндам ҳам буюк бахт ато қилди. Турмуш қургунимизча биз алоҳида-алоҳида яшадик. Шундай бўлгани маъқул эди. Мария диний расм-русмларга қатъий риоя қилувчи оилада тарбия топган, у Кенедилар авлодига мансуб эди.

Мария ҳазил-мутойибани жуда яхши ҳис этади, кўпинча менинг сарамжом-сариштaлигимдан кулади. Мен одатим бўйича кўйлагимни ечишим билан уни жойига илиб, агар у кир бўлса, маълум жойга тахлаб қўяман. Узоқ вақт бўйдоқ яшаганим учунми, муайян кўникмалар вужуд-вужудимга сингиб кетган. Онам ҳаддан зиёд даражада покиза аёл эди. Менинг кийим-кечак ва нарсаларга муносабатим, табиийки, Марияникидан анчайин фарқ қилади. Илгари менинг ҳеч вақом йўқ эди. Ҳозир эга бўлган нарсаларимни алоҳида меҳр билан авайлаб-асрашим ҳам шундан.

Масалан, агар футбол ўйнаш учун отланаётган бўлсак, мен беш долларли кўйлагимни кияман. Ахир йиқилиб-туриб, ўт-ўланда ағаnaганда нима бўлишини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Мария эса ҳеч иккиланмай нозик кашмир тўр кўйлагини кияди. Мен унинг теннис, футбол ўйнаш учун 400 долларли кўйлакни қандай қилиб бамайлохотир кийиб олишига ҳайратланаман. Мен бундай қилолмасдим.

Мария менинг уй ишларини ёқтиришимни билади. Дарҳақиқат, кир ювишни, овқат қилишни ёки хоналарни чанг ютгичда тозалашни яхши кўраман. Бу ишлардан дам оламан. Уйда овқатланганимизда идиш-товоқларни ювиш ҳам менинг зиммамда.

Назаримда, менинг келажагим ва инсониятнинг истиқболи осойишта ва бир текис кечадигандек туюлади. Шунинг учун, ўйлайманки, ортиқча ташвишга тушишимизнинг ҳожати йўқ, Ҳаммаси **о кей** бўлади!

